



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 4 декабрь, № 251 (8874)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАРОР ТАЙЁРЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Худудлар иқтисодиётига эътибор натижасида Фарғонада ҳам имкониятлар юзага чиқмоқда. Сўнгги 7 йилда sanoat корхоналари қарийб 3 баробар кўпайиб, 13 мингтага етган. Инвестиция лойиҳалари натижасида 116 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил июль ойидаги ташифи иқтисодиёт ривожига янги суръат бағишлади. Бу йил 10 ойда хорижий инвестициялар ҳажми 1,5 миллиард долларни, экспорт кўрсаткичи 910 миллион долларни ташкил қилди.

Энди буни келгуси йилда ҳам давом эттириб, инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш зарур. Йиғилишда Президент бу борадаги имкониятлардан айримларини кўрсатиб ўтди.

Яқинда "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси Қувасой шаҳри ҳисобидан 210 гектарга кенгайтирилди. Бу худудда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳани жой-

лаштириб, қарийб 12 мингта иш ўрни яратиш мумкин. Шунингдек, Қўқонда 71 гектарда технопарк ташкил этилиши биринчи босқичда 900 миллион долларлик, 5 минг иш ўрнига мўлжалланган корхоналарга йўл очади.

Хитойлик ишбилармонлар билан 1 миллиард долларлик, Жанубий Корея билан 240 миллион долларлик инвестициявий келишувларга эришилган. Уларни амалга ошириш учун вилоят туман ва шаҳарларида 1 минг 210 гектарда sanoat зоналари ташкил қилишга зарурат бор. Бўлажак корхоналарда 30 минг киши, жумладан, камбағал оила вакиллари иш билан таъминланади.

Бешарик туманида савдо-логистика маркази қурилиши бошланган. У худди Термиздагидек, эркин савдо зонасига айлантирилиб, дўконлар тадбиркорларга ижарага берилади. Бунинг самарасида вилоят экспорти қўшимча 50 миллион долларга, иш

ўринлари эса 2 мингга кўпаяди. Шундай мажмуани Қувасой шаҳрида ҳам барпо этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта имкониятлар бор. Фарғонада аҳоли иктиёрида, йўл ва дала четларида, сув ва ўрмон фондида жами 91 минг гектар ер мавжуд. Улардан унумли фойдаланиб, маҳсулотларни ҳамда қайта ишлашни кўпайтириш зарур.

Масалан, Фарғона туманидаги 15 та маҳаллада йилига 6 минг тонна малина етиштирилади. Уларга яқин худуддан ер берилса, тадбиркор малинани сақлаш, қайта ишлаш ва қadoклашни йўлга қўйиб, қўшилган қиймати 2,5 карра ошириш тақлифини билдирган. Бошқа бир ташаббускор Сўхдаги ўрмон ерини ижарага олиб, 800 гектарда каврак, 50 гектарда заъфарон етиштирмоқчи.

Олтиариқдаги иккита насос станциясига 9 километр қувур тортиб, қувватини ошириш орқали 1 минг 400 гектарда интенсив боғ қилса

бўлади. Унда қўшимча 55 минг тонна экспортбоп мева етиштирилади.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Хусусан, келгуси йилда 3,7 миллиард доллар инвестиция олиб келиш, экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. 500 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш, 22 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифа қилиб олинган.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни такомиллаштириб, вилоят иқтисодиёти ривожлантириш бўйича қарор тайёрлашга кўрсатма берди. Экспортчиларга барча қулайликларни яратиш, бандликка кўмаклашиб, ишсизликни камайтириш зарурлиги таъкидланди. Ҳокимлар ва бошқа мутасаддиларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш шартлиги белгиланди.

Ў.А.

Юртимиз бўйлаб

ҲАР ТУП НИҲОЛ – ЯШИЛЛИК РАМЗИ

Бугун дунё миқёсида олганда ҳам табиатни асраб-авайлаш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, глобал исийш ва бошқа яна қатор омиллар табиий мувозанатга ҳамда одамлар саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис кўплаб давлатларда ушбу масала ечимига алоҳида эътибор қаратилаётди. Юртимизда ҳам атроф-муҳитни муҳофазалаш ва келгуси авлодларга мусоффо табиат қолдиришга қаратилган чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан уч йил аввал бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ҳар йили баҳор ва куз мавсумида дарахт кўчатлари ўтказиш аънаъаси жонланиб, у одамлар орасида экологияга бўлган масъулиятли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Табиийки, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам ушбу муҳим лойиҳага ўз ҳиссасини қўшиб, унинг доирасидаги турли тадбирларда фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Жумладан, парламент юқори палатасининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов "Agro Processing Group & Agro Feed" корхонаси ходимлари билан бирга Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида қатнашди. Аниқ айтганда бўлсак, шу сайё-ҳаракатлар чоғида минерал ва органик ўғитлар билан озиклантилган ер майдони 3 мингдан зиёд мевали кўчатлар ўтказилди.



Жараён

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ – КЕНГАШ – СЕНАТ»

Ушбу уч бўғинли ҳамкорлик тизимини изчил йўлга қўйишни давр тақозо қилмоқда

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атаниязова халқ депутатлари Қонлиқ тумани Кенгашининг иккинчи сессиясида иштирок этди.

Тадбирда туман Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, ички ишлар идоралари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек,

бугунги кунда сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш чоғда "Маҳалла еттилик" — Кенгаш — Сенат" уч бўғинли ҳамкорлик тизимини изчил йўлга қўйишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Негаки, бундай алоқалар пировард натижада мамлакатимиз рағнақи ва аҳолининг фаровонлигига замин яратади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҚКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда қуйи палата Спикери Н. Исмоилов ўтган ҳафтада мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаликларга тўхтади. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларидаги нутқларида баён этилган тақлифлар бўйича фракциялар томонидан ўтказилган мажлисларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлади.



Президент мазкур нутқларида ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов жараёнлари сифатини юқори баҳолаб, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларида баён этилган қатор ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини ва сиёсий партиялар фракциялари бу ташаббусларни биринчи галдаги вазифалар сифатида белгилаб, уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаши зарурлигини қайд этди.

Спикер ўз сўзида ушбу нутқлар парламент ишини ташкил қилишда муҳим дастурий ҳужжат экани, унда илгари сурилган тақлифлар қуйи палата фаолияти натижадорлигини оширишга ёрдам беришини айтиб, депутатларни бу борада янада самарали ишлашга чақирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 25 ноябрдаги "Камбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хусусида ҳам сўз юритилиб, ушбу ҳужжат нурунийлар вакилларининг билим ва тажрибасидан фойдаланиш орқали оилаларни камбағалликдан чиқариш тизимида яна бир таъсирчан механизм яратиш учун асос бўлгани таъкидланди. Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятида фаол нурунийлардан иборат муҳим ҳамкор пайдо бўлгани, бу эса халқ вакилларининг сайлов округларидаги ишини янада самарали йўлга қўйиш, одамларни безовта қилаётган муаммолар тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олишга имконият яратиши қайд этилди.



Инвестицияларни жалб қилиш суръати ошмоқда

Ўтган 10 ойда мамлакатимизга 26 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар киритилган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп.

— Шундан қарийб 24 млрд. доллари тўғридан-тўғри сармоялардир.
— Киритилган инвестициялар ҳисобига 6 300 та корхона ишга туширилган. Уларда 30 трлн. сўмлик қўшилган қиймат яратилган. Экспорт 305 млн. долларга ошган.

Натижада 163 мингта юқори даромадли иш ўрни очилган.

— Ноябрь-декабрь ойларида яна

8,6 млрд. долларлик инвестиция киритилиши кутилмоқда.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун

ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ УСТУВОР



Кейинги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислохотлар бугун қандай самара бераётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Хусусан, ташқи сиёсатимиздаги очиклик туфайли, агар таъбир жоиз бўлса, бугун дунё бизга қараб интиломда, ўз навбатида, биз халқаро тузилмаларда бўладими ёки бошқа йирик тадбирлардами ўз гоё ва ташаббусларимизни дадил илгари суриб келямиз. Бу борада бизга Конституциямиз дастуриламал бўлмоқда, десак, айтиш ҳақиқат. Негаки, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий нуқталари аниқ-тиниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Ўз мазмунига кўра Конституция давлат моҳиятини таърифловчи, унинг ташкилий структурасини ифодаловчи, давлат сиёсати асосларини белгиловчи ҳужжатдир.

Ёдингизда бўлса, Конституция-мизнинг аввалги таҳрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқининг ваколатли вакиллари бўлмиш парламент аъзолари, яъни Олий Кенгаш депутатлари томонидан қабул қилинган бўлса, бундан фарқли ўлароқ 2023 йил 30 апрель сана-сида мамлакатимиз Асосий Қону-нининг янги таҳрири умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилинди. Чунончи, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳақиқий муаллифи ҳам халқнинг ўзидир.



АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ – МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 48-моддасида ҳар ким соғлигини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли эканлиги белгиланган. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўриши, ҳисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиши мустақамлаб қўйилди.

Дарҳақиқат, аҳолига тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонунда белгиланган тартибда ва давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматни ривожлантириш мақсадида бирламчи бўғинда аҳолини 100 дан ортиқ турдаги дори воситалари билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди. Ихтисослаштирилган марказларда

эса бепул даволанадиган касалликлар рўйхати шакллантирилиб, тиббий ёрдам учун йўланма электрон навбат асосида берилмоқда.

Алоҳида қайд этиш жоизки, инсон саломатлиги — бу миллий барқарорликнинг асосий таркибий қисми саналади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш миллат ҳаётининг узлуқсизлигини таъминлаш, унинг генотипини асраш ва мамлакатнинг барқарор тараққиётга йўл очувчи муҳим устувор йўналишидир.



Сана

МЕҲР, ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИК ИФОДАСИ

Мамлакатимизда ҳар йили 3 декабрь Халқро ногиронлар куни сифатида кенг нишонланади.

Мазкур сана муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари Тошкент шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 103-мактаб-интернатда ташкил этилган “Ҳар бир болага меҳр, эътибор улашайлик!” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирда қатнашди.

Қайд этилганидек, бу муассасада бугунги кунда ақлий ривожланишида нуқсон бўлган 288 ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда, шундан 51 нафар бола ота-она қарамоғидан маҳрум ўқувчилардир. Уларга 66 нафар ўқитувчи ҳамда 30 нафар тарбиячи таълим-тарбия бермоқда.

Ўқувчилар келажақда ўз ўрнини топиши, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун уларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида технология фанларини ўқитиш йўлга қўйилган. Хусусан, бу ерда тарбияланувчилар ошпазлик, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик, косиблик ва бошқа қатор касбга йўналтирилади.

Тадбирда парламент юқори палатасининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Б. Абдуллаев сўзга чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, алоҳида эҳтиёжи бор болаларнинг таълим олиши ҳамда жамиятга мослашиши учун давлатимиз томонидан барча шароит яратиб берилаётганини алоҳида урғулади. Айни чоғда ўқувчиларга касб-хунарга эгаси бўлиб, келажақда ҳаётда ўз ўрнини топишига тилак билдирди.

Тадбир давомида ўқувчилар томонидан тайёрланган байрам дастури намойиш этилди.

Ўз навбатида, ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

ҲАР ТУП НИҲОЛ — ЯШИЛЛИК РАМЗИ

— Кўчат экиш аънанасининг давом этирилиши дунёда иқлим ўзгариши, чўлланиш ва сув тақчиллиги шиддат билан кечаётган ҳозирги пайтда экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, она табиатни асраб-авайлаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида муҳим аҳамиятга эга, — деди Сенат қўмитаси раиси А. Эшмуратов. — Бундай тадбирларда Сенат аъзолари фаол қатнашаётгани диққатга сазовор. Негаки, бу юртдошларимизга ижобий маънода туртки беради. Айни чоғда бугун эзгу ният билан қадалган ниҳоллар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Сенаторлар иштирокидаги бундай эзгу тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам изчил давом этмоқда.

«МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ — КЕНГАШ — СЕНАТ»

Сессияда янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ сенаторлар назорат тадбирлари ва сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида қонунларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ ваколатларга эга эканлиги ҳамда бу борада Сенатга қонунчилик тақлифини киритиш ҳуқуқи берилгани ҳам алоҳида урғулаб ўтилди.

Шуларга мос равишда эндиликда Кенгаш сўрови ва текшируви сингари янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат қўйилган, маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳар йрим йилда қилинган ишлар бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса уларнинг фаолиятида ошқоралик ва ҳисобдорлиқни кучайтиришда қўл келади.

Сенат эса маҳаллий ҳокимлик органлари ва Кенгашлар ҳамжиҳатликда фаолият юритиши, ўзаро муносабатларини изчил ташкил этиши учун уларга яқиндан ёрдам беради.

Сессиядан сўнг сенатор О. Атаниязова Қонлиқўл туманининг Бескўпир маҳалласида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди.

Мулоқот давомида фуқароларни қийнаб келаётган тоза ичимлик суви ва ҳудуддаги ишсизлик масаласи, мактабгача таълим муассасалари етишмаслиги ҳамда бошқа қатор муаммолар батафсил ўрганилди.

Маълум қилинганидек, аниқланган муаммолар сенаторнинг иш режасига киритилди ва уларга ечим топиш юзасидан аниқ чоралар қўрилади.

«Халқ сўзи».

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ, ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Давлат бюджети: депутатлар ташаббуси билан муҳим ўзгаришлар киритилди

Мажлисида “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши ўтган йиллардаги нисбатан фарқ қилди. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталаридаги нутқларида стратегик йўналишлар, аниқ вазифалар белгилаб берилгани бюджет лойиҳаси муҳокамаларини мазмунли ўтказишга, кўтарилган масалаларнинг моҳиятига чуқурок қиришга имкон яратди. Қўмиталар томонидан ўтказилган йиғилишлар, сиёсий партияларнинг фракцияларидаги муҳокамаларда депутатлар томонидан 100 дан ортиқ саволлар, 10 дан зиёд концептуал аҳамиятга эга тақлиф ва тавсиялар берилгани бунинг далилидир.

Мажлисида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ва харажатлари, маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларига оид лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар, уларни молиялаштириш манбаларига оид маълумотлар чуқур таҳлил қилинганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қонун лойиҳасига масъул — Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда лойиҳанинг тегишли моддаларида акс эттирилган нормалар Президент Фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукумат қарорлари билан уйғунлиги ва асосланганлигини ўрганди. Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда 2025 йилда белгиланган тадбирларни молиялаштириш масалаларига аниқлик киритилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида Ҳисоб палатасининг берган хулосалари ҳам депутатлар диққат марказида бўлди. Хулоса юзасидан депутатлар билдирган фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда асосланганлиги тақлифлари Солиқ ва Бюджет кодексларида акс эттириш масаласи ўрганиб чиқилди.

Шу билан бирга, қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида қонун лойиҳасида вазирлик ва идораларга ажратилиши кўзда тутилган бюджет маблағлари, улардан фойдаланиш ва натижадорлиқни ошириш юзасидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар бирма-бир кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Дастлаб келгуси йил “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ушбу йўналишларга сарфланадиган маблағларнинг манзиллилигига ва натижадорлигига эътибор қаратилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, спорт ва иқтисодиёт соҳалари бўйича муҳокамаларда депутатлар томонидан кўтарилган масалаларга оидлик киритилди. Хусусан, айрим асосли тақлифлар бюджет ва солиқ тизимларини такомиллаштириш жараёнида иноватга олинган бўлди.

Депутатлар билдирган тақлиф ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасига бир қанча концептуал аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, **ЎзЛидеП фракцияси** аъзолари билдирган тақлифга мувофиқ оғир вазиятга тушган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондига қўшимча 35,5 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланмоқда.



“Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоларининг тақлифларини иноватга олган ҳолда кинематография соҳасини янги босқичга кўтариш, буюқ аждоқларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини акс эттирувчи “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш ҳамда баъдий ҳаваскорлик жамоалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар томонидан кўрсатилаётган маданий дастурларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун қўшимча 40 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилди.

“Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтининг мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, зўравонлик ва низоларнинг олдини олиш каби муҳим вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириши учун моддий-техника базасини яхшилаш бўйича берган тақлифлари асосли деб топилиб, қўшимча 3,1 млрд. сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Бундан ташқари, **ЎзХДП фракцияси** томонидан билдирилган тақлифга мувофиқ республикада миллий малака тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш, малакага бўлган талабларни ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Миллий малака тизимини ривожлантириш институтини ташкил этиш харажатлари учун қўшимча 10,6 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланди.

Экологик партия фракцияси томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, трансчегаравий гармсел шомоллари ва чанг-қум бўронларининг атроф-муҳитга зарарли таъсирларининг олдини олиш бўйича билдирилган тақлиф қаноатлантирилиб, ушбу лойиҳа учун қўшимча 100 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда. Бундан ташқари, фракция аъзоларининг тақлифига кўра Қорақалпоғистон Республикасида ўрмончилик соҳаси илмий-таҳриба станциясини ташкил этиш харажатлари учун қўшимча 9,5 млрд. сўм маблағ ажратиладиган бўлди.

Муҳокамада ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича депутатлар кўтарган масалаларга Ҳукумат тузган ишчи гуруҳ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари томонидан ойдинлик киритилди.

Депутатлар субсидиялар ва унинг натижадорлиги, бюджет очиллигини таъминлаш, бюджет маблағлари устидан молиявий назорат тизимларини такомиллаштириш ҳамда тиббий суғуртани жорий қилиш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида бюджет тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига йўл қўймаслик, Давлат бюджети

Н. ИСМОИЛОВ,
Қонунчилик палатаси Спикери:

“Президентимиз бизни доимо Давлат бюджетининг “тежамкор ва барқарор” бўлишини таъминлашга қаради. Шу сабабли режалаштирилаётган давлат харажатларини мақбуллаштириш юзасидан муҳим ишлар амалга ошириляпти. Ортиқча молиявий маблағлар ажратилиши ҳолларига чек қўйилмоқда. Режалаштирилаётган даромадларнинг таркиби, уларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётидаги турли салбий омилларга нисбатан бардошлилиги батафсил ўрганилмоқда. Ҳукумат “халқнинг ҳар бир сўми”ни самарали тарзда сарф этиш вазифасини амалга ошириши, парламент эса бунинг устидан самарали ва таъсирчан назоратни таъминлаш керак”.

ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан қўшимча харажатларни амалга оширишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш, давлат ташқи қарзининг ва давлатнинг шартли мажбуриятлари бўйича лойиҳада белгиланган чегарадан ошиб кетмаслик юзасидан ҳукуматнинг ўз зиммасига олаётган мажбуриятлари депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Келгуси йилда солиқ ставкаларида қандай ўзгаришлар бўлади?

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

2025 йилда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорлик учун кенг шарт-шароитларни таъминлаш солиқ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Шунингдек, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиши талаб этилди. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан тадбиркорлар билан “Очқ мулоқот” доирасида бизнес юритишни енгиллаштириш борасида долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўйидагилар назарда тутилмоқда. Хусусан:

— келгуси йилда асосий солиқ турлари, жумладан, фойда солиғи, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, ижтимоий солиқ, айланмадан олиннадиган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ турлари бўйича ставкалар ўзгаришсиз қолдирилмоқда;

— мобил алоқа хизматлари соҳасига инвестициялар миқдорини қўйлатириш, мобил алоқа ва интернет хизмати сифатини ошириш мақсадида мобил алоқа операторлари учун акциз солиғи бекор қилинмоқда;

— маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш, иш ўринларини легаллаштириш ҳамда солиқ бўйича халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ваколатларини ошириш мақсадида уларга яқна тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий белгиланган миқдорлардаги ставкаларини фаолият тури ва жойлашган ҳудудига қараб белгилаш ваколати берилмоқда;

— яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ёллаган ходимлари учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ёки ўзлари учун белгиланган қатъий солиқнинг 50 фоизини тўлаш ҳуқуқини бериш ҳамда бозор ва савдо мажмуаларида фаолият юритаётган яқна тадбиркорларнинг ёллаган ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини пасайти-

риш каби нормалар киритилмоқда.

Бизнес учун солиқ ставкалари ўзгаришсиз сақлаб қолинаётгани инвестициявий муҳитга ижобий таъсир кўрсатиши, тадбиркорларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши депутатлар томонидан эътироф этилди.

Муҳокамада халқ вакиллари маҳаллий Кенгашлар ваколатларини кенгайтириш бўйича ўз муносабатларини билдирди. Хусусан, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ ставкаларини маҳаллий Кенгашлар томонидан белгилаш, сув солиғи ставкасига ҳамда норуда қурилиш материаллари учун қатъий белгиланган ставкаларга коэффициент қўллаш ва наشريёт-матбаа корхоналарини фойда солиғидан озод қилишга оид нормалар маъқулланди.

Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига қўнчилигимизни уйғунлаштириш, атроф-муҳитни асраш, солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш орқали солиқ базасини янада кенгайтиришга қаратилган чоралар қўллаб-қувватланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Айрим талаблар бекор қилиниши мумкин

“Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи

ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Маълумки, республикаимизда шаҳарлар тобора кенгайиб бориши натижасида туманлар ҳудудидagi қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонлари шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларига ўтиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегарасида жойлашган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонлари мавжуд корхоналар томонидан тўланадиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини такомиллаштиришни тақозо этапти.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексига шаҳарларнинг маъмурий чегараларида жойлашган туманларида қишлоқ ҳўжалиги ерлари учун ер солиғини 2 баравар кўп миқдорда тўлаш талабини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Халқ вакилларининг фикрича, қонун лойиҳаси шаҳар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ ҳўжалиги корхоналари фаолиятини янада яхшилаш, уларга қўлай шарт-шароит яратишга кенг йўл очди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, жорий йилда амалга оширилаётган давлат дастурлари, лойиҳа ва тадбирларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида қўшимча харажатлар манбаларини аниқлаштириш заруратидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасига киритилган “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.

Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойили жорий этилади

Мажлисида судлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда, айни вақтда судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини судлар фаолиятига кенг жорий этиш зарурати мавжуд.

Амалдаги тартибга кўра Олий суд раисларининг ўринбосарлари — тегишли судлов ҳайъатлари раислари лавозимига аниқ йўналиш (маъмурий, фуқаролик, жиноят ва иқтисодий) бўйича сайланиши белгиланган. Олий суд судьяларини нисбатан эса аниқ йўналиш бўйича сайланиш тартиби жорий қилинмаган. Бу эса судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этишга тўсқинлик қилиб, Олий суд раиси ўринбосарларини бир судлов йўналишидан бошқа бир судлов йўналишига ўтказиш (ротация қилиш) имконини бермади.

Шу муносабат билан, қонун лойиҳасида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига Олий суд таркибининг судлов ҳайъатлари раислари билан боғлиқ ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси судлар фаолияти самарадорлигини оши-



риш, одил судлов сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимояси янада кучайтирилади

“Судларнинг фаолиятига оид конституциявий қафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгаришларга кўра Судьялар олий кенгаши таркиби, шу жумладан, кенгаш раиси, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котиби Президент тақдимида биноан Олий Мажлис Сенати томонидан сайланиши, шунингдек, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган қўшимчага биноан одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилиши белгиланяпти. Қонунни қучга кирган суд ҳужжатлари нафақат барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар, балки фуқаролик жамияти институтлари учун ҳам мажбурий ҳисобланмоқда.

Шунингдек, шахсларнинг нафақат давлат органлари, балки бошқа ташкилотларнинг ҳам қонунга хилоф қарорлари, харажатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда. Бундан ташқари, “айбсизлик презумпцияси” ва “Хабеас корпус” институтини янада қарор топтиришга оид қонунлар киритилляпти.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома ратификация қилинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жинойи ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани (Тошкент, 2023 йил 8 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Малайзия Ҳукумати ўртасида жинойи ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида имзоланган ушбу шартнома Тошкент шаҳрида икки давлат Бош прокурорлари даражасида имзоланган.

Жиноятчиликка қарши курашиш ҳар бир давлат олдидagi қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айрим жиноят ишлари бўйича тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бошқа давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари билан ҳамкорликда ишлаш заруратини юзага келтирмоқда. Ратификация қилиш тақлиф этилаётган мазкур шартнома ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Шартномада жинойи таъқиб этиш, жиноят ишини тергов қилиш, ишни судда кўриш, шахсни жавобгарликка тортиш, шунингдек, жинойи даромадлар ва жиноят қуролларини аниқлаш, олиб қўйиш, мусодара этиш, жинойи қилмиш оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш каби процессуал ҳаракатлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш белгиланмоқда.

Шунингдек, ушбу шартнома экстратриция қилиш мақсадида шахсни ушлаб туриш ёки қамоққа олиш, озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташ учун ўтказиш, жиноят иши юритувини ўтказиш, бир тараф чиқарган суд ҳукмини бошқа тараф томонидан ижро қилиш масалаларида таъқиб этилмайди.

Айтилганидек, мазкур шартноманинг имзолааниши икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари томонидан жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш ва судда кўриш давомида ўзаро ҳуқуқий ёрдам қўрсатишининг ҳуқуқий асосларини белгиллашга, жиноятчиликка қарши курашишда бирдамлик ва ҳамкорлиқни оширишга, бу орқали ҳар икки давлатда одил судловни таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

«Халқ сўзи».

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда Туркия сармояси иштирокидаги қўшма корхоналар сони 1903 тага етди.

ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ УСТУВОР

Аваллги “давлат — жамият — инсон” тамоийли “инсон — жамият — давлат” сифатида ўзгартирилишидан ҳам кўриш мумкинки, одам шаъни, ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини таъминлаш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш асосий мақсад қилинган.



Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир янги нормалар билан тўлдирилган бўлиб, уларнинг тан олинishi ва таъминланиши ҳамда муҳофаза қилиниши давлатнинг асосий мажбурияти сифатида белгиланган. Бу бежиз эмас. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларимиз марказида инсон кадрини улуғлашга йўналтирилган эзгу мақсадлар турибди. Ҳар бир киши муносиб шароитда таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунлиқда барқарор ривожланади.

Янги тахрирда давлатнинг ихтимоий соҳадаги мажбуриятларига доир нормалар 3 баробар кўпайтирилган ҳам диққатга сазовор.

Асосий Қонунимиздаги инсонпарварлик тамоийллари ҳақида бежиз кенг тўхталаётганимиз йўқ. Зеро, унда белгиланган Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилади.

Жумладан, унинг асосий принциплар бўлимида ташқи сиёсат ҳақида алоҳида модда киритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги белгилаб қўйилган. Айни чоғда мамлакатимиз ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип

ва нормаларига асосланади, деб келтирилган.

Шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асослари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга йўналтирилгани билан ажралиб туради. Буни ташқи сиёсатимиз принциплари асосида барча давлатлар билан дўстона алоқалар олиб борилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Зотан, шир биргина дўстона муносабатларнинг ҳолиятига инсонни, унинг шаъни, кадр-қимматини улуғлаш билан боғлиқ барча қадриятлар сингиб кетган.

Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамоийллари ўзида муассам қилгани ҳолда халқаро ҳуқуқнинг давлатлар ташқи сиёсатининг зарурий мезонларини ҳам ўзида ифодалаган. Шундан келиб чиқиб, юртимиз барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат олиб бормоқда. Бизнинг ўзаро манфаатли, очик ва прагматик ташқи сиёсатимиз, пировард натижада нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Халқаро муносабатлар,
ташқи иқтисодий алоқалар,
хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари қўмитаси
аъзоси.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Шу боис мамлакатимизда тиббиёт тизими кенгайиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда, ноёб жарроҳлик амалиётлари маҳаллий шифокорлар томонидан муваффақиятли бажарилмоқда. Утган даврда давлат томонидан солиқни сақлаш соҳасига ажратилган маблағлар миқдори ортиб, 2024 йилда 34 трлн. сўмга етган бўлса, 2025 йилда бу рақам 40 трлн. сўмдан ошиши прогноз қилиняпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида бундай инвестициялар тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, уларнинг оммабоплигини ошириш ва тиббий сугурта тизимини жорий этиш каби вазифаларга йўналтириляпти. Бу, ўз навбатида, тиббиёт соҳасида давлат ва нодавлат тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий хизматни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга ва самарадорлиги орттиришга ҳисса қўшади.

2023 йилда қафолатланган тиббий хизматлар рўйхати қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Ушбу рўйхатга 500 тадан ортиқ ташхислар, 20 тадан зиёд диагностика текширувлар, 40 тадан ошқиб лаборатор таҳлиллар, 230 дан кўп турдаги дори воситалари ҳамда 70 дан ортиқ тиббий буюмлар киритилган бўлиб, улар аҳолига давлат ҳисобидан бепул тақдим этилмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария хизмати, шойилнч тез ёрдам, стационар ва амбулатор кўмак каби асосий хизматлар эса аҳолига оммабоп бўлиб, бу давлат томонидан инсон саломатлигига қаратилган энг катта эътибордан далолат беради.

Аҳамиятлиси, тиббиёт тизимидаги фаол ислохотлар натижасида тез тиббий ёрдам шохобчалари, оилавий шифокор пунктлари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари сони кескин ортиши билан бирга, диагностика ва даволаш усуллари республикадан туман даражасигача етказилди. Бу ўзгаришлар мамлакат аҳолисининг саломатлигини яхшилашда ҳал қилувчи қадам бўлди.

Сир эмаски, соғлиқни муҳофаза этиш нафақат фуқароларнинг шахсий ҳаётида, балки мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигида ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Масалан, давлат томонидан тиббиёт соҳасига ажратилган маблағлар ва тиббий хизматларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар орқали нафақат шифокорлар малакаси, балки тиббий муассасаларнинг моддий-техника базаси сезиларли даражада яхшиланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва хусусий тиббиёт муассас

салари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусий тиббиётнинг ривожланиши давлат ва хусусий сектор ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, аҳолига замонавий ва сифатли тиббий хизматларни тақдим этиш имкониятини бермоқда. Айниқса, хусусий тиббиёт муассасаларининг сони йилдан-йилга ортиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланаётгани, юқори малакали мутахассислар билан таъминлангани аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда асқатаётди. Энг асосийси, бу мамлакатимиз тиббиётининг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берапти.

Биламизки, тиббий сугурта тизимининг жорий этилиши аҳолининг соғлиқни муҳофаза қилишга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. 2025 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида босқичма-босқич йўлга қўйиладиган сугурта механизмлари тиббий хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқади, десак, янглишмаймиз. Асосийси, бу тизим фуқароларга давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаларини эркин танлаш имкониятини тақдим этиб, аҳоли саломатлигини яхшилашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Мамлакатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масаласи ҳам давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган. Чунки соғлом турмуш тарзи — бу инсоннинг ҳаёт саломатлигини таъминлашга хизмат қилувчи кўникмалар асосида ўз фаолиятини ташкил этишидир. Бунда шахсий гигиенага амал қилиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом овқатланиш ва тиббий маданиятга риоя этиш асосий омиллар ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун барча шароитни яратиб, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган тадбирларни самарали рўёбга чиқармоқда. Бу ўзгаришлар нафақат аҳоли ҳаёт сифатини яхшилади, балки юртимизда барқарорлик ва миллий ривожланиш учун мустаҳкам асос яратади.

Инсон саломатлигига қаратилган бундай кенг кўламли ислохотлар янги Ўзбекистоннинг инсонпарвар сиёсатини акс эттиради. Давлатнинг мазкур соҳадаги ислохотлари ҳар бир фуқароннинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, барқарор ва соғлом келажақ пойдеворини яратиш йўлидаги энг муҳим қадамдир.




Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати — санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича кўриладиган чоралар, десак, айна ҳақиқат. Шу маънода, оммавий касалликларнинг олдини олиш, профилактик чора-тадбирларни ва замонавий эпидемиологик таҳлил воситаларини кенг жорий қилиш орқали бу йўналишда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан тиббий хизматларнинг адолатли ва тенг тақсимланишига алоҳида аҳамият қаратилляпти. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тиббий муассасаларни барпо этиш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш орқали аҳолининг ҳар бир қатламига тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилляпти.

Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар келажақ авлодлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Миллат саломатлигини таъминлаш, унинг генофондини асраш ва барқарор тараққиёт йўлида қўйиладиган бу қадамлар Ўзбекистоннинг инсонпарвар ва замонавий давлат сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлайди.

Давлат ҳар бир фуқаро саломатлигини ўзининг асосий бойлиги сифатида кўради. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишдаги ислохотлар янги босқичга олиб чиқилмоқда. Эзгу ва аник мақсадга йўналтирилган амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг инсон кадрини улуғловчи сиёсатининг амалий ифодасидир. Уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани ҳамқимий саломатлигини кафолатлаш билан бирга, жамиятнинг ихтимоий ва иқтисодий ривожланишига хизмат қилмоқда.

Жамол АЧИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Мехнат, соғлиқни
сақлаш ва ижтимоий
масалалар қўмитаси раиси
ўринбосари.



Кулайлик

Тошкент — Хожикент:

электropoeзд тезюрар режимда ҳаракатланади

Шу йилнинг 3 декабридан бошлаб Тошкент ва Хожикент ўртасида янги тезюрар электропоездлар қатнови йўлга қўйилди.

“Ўзтемирийўлловчи” АЖ матбуот хизмати хабарига кўра, ушбу тезюрар поездларда йўловчилар учун барча қулайлик муҳайё этилган

— юқори тезлик ва замонавий жиҳозларга эга. Эндиликда Тошкент — Хожикент — Тошкент йўналишидаги тезюрар электропоездлари белгиланган жадвал асосида ҳаракатланади. Келгусида бу йўналиш учун яна 10 та электропоезд харид қилиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Чироқчида «Полвонлар боғи»

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Чироқчи туманининг Зарбдор маҳалласидаги 5 гектар майдонда “Полвонлар боғи” ташкил этилди.

Ташаббус

Эътиборли томони шундаки, бу ташаббус ҳудуд аҳлининг ўзидан чиқди. Боғ ташкил этилишига киришилишидан аввал Зарбдор ва Истиклол маҳаллаларидаги тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар кўмаги билан 18 та эҳтижманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Шу муносабат билан миллий кураш мусобақаси ҳам бўлиб ўтди.

Яқунда катта ҳашар уюштирилиб, “Полвонлар боғи”га

5 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари екилди.

— Ҳашарда уч авлод полвонлар иштирок этди, — дейди чироқчилик машҳур полвон, икки карра жаҳон чемпиони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Абдурашид бобо Мирзаев. — Бу, айниқса, ёш полвонларимиз учун ҳам ибратли иш бўлди, деб уйлайман.



Мазкур боғ келажақда ҳудуд аҳлининг миллий курашимизга бўлган меҳри, эътибори тимсолига айланишига ишончимиз комил.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистонда тиббиёт соҳаси:

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ТУРКИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР КЎМАКЛАШАДИ

Мамлакатимиз тиббиётида кенг кўламли трансформация жараёнлари давом этмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари олдида тегишли вазифалар қўйилган.

Ҳамкорлик

Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш — энг асосий талаблардан бири. Бунинг учун эса, аввало, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва амалиётга самарали татбиқ қилиш талаб этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати хабарига кўра, ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан вазирлик томонидан туркиялик мутахассислар гуруҳи жалб қилинди.

Ҳозир хорижлик экспертлар юртимиз вақиллари билан ҳамкорликда барча бугиндаги тиббиёт муассасаларида ўрганишлар олиб бормоқда. Шу мақсадда тузилган ишчи гуруҳлар тасдиқланган режа асосида ҳудудларда бўляпти.

Туркиялик мутахассислар еттига йўналиш — бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштириш, тиббий сугурта тизимини жорий этиш ва тизимни рақамлаштириш, шифохоналарда тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш, тиббий хизматларни режалаштириш, фармацевтикани ривожлантириш ҳамда дори воситалари таъминоти, тиббий асбоб-ускуналар самарадорлигини ошириш, шойилнч ва тез тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда.

Туркиядан тақиф этилган мутахассислар сони ҳам етти нафар. Улар юқоридаги етти йўналиш бўйича катта халқаро тажриба ва малакага эга экспертлар. Ҳар бири тегишли йўналиш бўйича масъул этиб белгиланган. Жумладан, гуруҳ раҳбари Ҳасан Ча-

гил 2003 — 2013 йилларда Туркия тиббиётини трансформациялашда бево-сита қатнашиб, асосий йўналишларга бошчилик қилган. Натижада қисқа муддатда мамлакат тиббиёти 2000 йиллар бошидаги аҳоли оғир соҳадан ривожланган тизимга айланди. Қолаверса, ушбу мутахассиснинг халқаро даражадаги экспертлик фаолияти ҳам эътиборга молик. У 2016 йилдан Осиё ва Европанинг бир қатор Соғлиқни сақлаш вазирликларида тиббиётнинг қатор йўналишлари бўйича маслаҳатчилик фаолиятини давом эттирган.

Айни пайтда улар ҳудудларда бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда уни янада ривожлантириш борасида иш олиб боряпти.

Шу билан бирга, туркиялик экспертлар сафида тиббиёт соҳасида катта илмий салоҳият ҳамда амалий тажрибага эга Мехмет Угурлу, Талган Кючук, Муҳаммет Ёрнек, Мехмет Эрсой, Ҳасан Багджи ва Мехмет Авджи ҳам бор.

Айни пайтда улар ҳудудларда бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда уни янада ривожлантириш борасида ўз тавсияларини беришмоқда.

Келгусида ана шу таҳлил, тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, соғлиқни сақлаш тизимининг босқичма-босқич ислохотига оид қисқа, ўрта ҳамда узок муддатли “йўл хариталари” ишлаб чиқишига ва амалга оширилиши режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Ноқонуний миграцияга қарши биргаликда курашилади

Бош прокуратурада БМТнинг Гийҳвандлик моддалари ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Афғонистон, Марказий Осиё, Эрон ва Покистон бўйича Минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда “Мигрантларни ноқонуний ташишга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлиқни кучайтириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш” мавзуйида давра суҳбати ташкил этилди.



Унда иштирокчилар ноқонуний миграция масалаларини муҳокама қилишди. Шунингдек, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётларидаги айрим камчиликлар қайд этилди.

Халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ушбу муаммоларга ечим топиш имконини берувчи тақлифларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳсулотларимиз хорижликлар эътиборида

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қўрилиш материаллари, инфратузилма, урбанизация ҳамда электротехника соҳалари бўйича “Big 5 Global” халқаро кўргазмаси ўтказилди.



“Дунё” ахборот агентлиги хабарига кўра, ушбу нуфузли кўргазма майдонида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида Ўзбекистон миллий тенди ташкил этилиб, унда 15 дан ортиқ миллий электротехника саноати корхоналари “Made in Uzbekistan” бренди остидаги маҳсулотларини намойиш қилди.

Илк бор тақдим этилган Ўзбекистон маҳсулотларининг юқори сифати ва рақобатдошлиги хорижлик ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди.

Янги корхона — янги иш ўрни

Тошкент вилоятидаги “Чирчиқ Технопарки” ҳудудида жойлашган “Himplast Corp” МЧЖ ҚҚ томонидан кимёвий суюқликлар, газ чиқиндилари учун термопластик ва стеклопластикдан идиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.



Мазкур лойиҳага 1,4 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилди. Эътиборлиси, корхонанинг фаолият бошлаши натижасида 80 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу эса нафақат ҳудуд иқтисодиёти равнақида, балки аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».

Музработлик «ОШИН МОМО»

Музработ туманидаги Фидокор маҳалласида истиқомат қилувчи Ойбахор Жабборова қарийб ярим асрдан буён шолчилик билан шуғулланади. Бу борада ўзига хос мактаб яратган фермер биргина шолнинг ўзидан йилга 1 миллиард сўмдан зиёд даромад топади. Халол меҳнати орқали шухрат қозонган аёлни ҳамқишлоқлари “Ошин момо” деб қақиради.

Ибрат

Сурхондарё замини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳар қандай турини етиштириш учун қулай, бу ерда пишиб етилган мева, сабзавотлар, дон ва дукакли ўсимликлар ўзининг мазаси, тўйимлиги билан машҳур. Айниқса, воҳада етиштирилган шולי бошоқлари бўлиқ ва гуручи ширали бўлиши билан ахралиб туради.

— Гуручнинг сифатли ва тўйимлиги майсаларнинг қуёш тафтидан баҳра олиб, маъданларга бой обиҳаётга тўйиниб ўсганига боғлиқ, — дейди Ойбахор Жабборова. — Мамлакатимиз жанубида жойлашган ҳудудимизда гуруч қадимдан етиштирилади. Шолчилик ота-боболаримиздан мерос. Афсуски, узок йиллар вилоятимизда шולי етиштириш эътибордан четда қолди, шולי майдонлари қисқариб кетди. Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 15 августдаги “Шоли етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шолчиликни янги босқичга қўтарди.

Ҳамқишлоқлари 70 ёшли Ойбахор аяни бежиз “Ошин момо” деб атамай-



ди. Тиниб-тинчиман фермер қуёш уфққа кўтарилмасдан уйдан 25 чакрим наридаги даласига ошиқади. Ахир аёл боши билан 200 гектар ерни эплашнинг ўзи бўлмайди-да! — Фермер харажат қилмаса, даромад кўрмайди. Заҳмат чекмаса, фойда олмайди, — дейди Ойбахор ая. — Кечалари билан даламни уйлаб чиқаман. Янги режалар тузаман. Тонгда далага ошиқаман. Хўжалигимизда ўттиздан ортиқ ишчилар меҳнат қилади. Уларнинг ҳам рўзғори бут бўлиши, орзу-хаваслари рўёбга чиқишига масъулман. Бир мавсумда ҳам галладан, ҳам шолидан мўл ҳосил оламиз. Бунинг ўзига яраша

сири бор. Масалан, гектарига 250 килограмм уруғлик дон сепилиши керак бўлган жойга 300 килограмм, шолда 320 килограмм уруғ қадаимиз. Дорилашда ҳам шундай йўл тутамиз. Ортиқча уруғ ва дориларни шахсий жамғармамиз ҳисобидан харид қиламиз. Ҳар мавсумда режадан ортган 150 — 200 тонна галла уйимизга қиради. Шолчиликдан йиллик даромадимиз 1 миллиард сўмдан ортади.

Дарҳақиқат, воҳада шולי етиштириш деҳқончилиқнинг энг қадимги турларидан бири бўлган. Жумладан, қадимшунослар Амурдернинг шимолӣ к

ирғоқларида олиб борган археологик қазималари чоғида топган гуруч қолдиқлари эраимиздан аввалги 236 — 194 йилларга тўғри келади. Бу дунёда шולי етиштиришнинг илк бошланиш даври сифатида қайд этилган.

Фермер аёлнинг бу борада бошқаларга ибрат бўладиган ўз тажрибаси бор. Ҳурмати унинг ҳимматида! Ўзи оталиққа олган оилалардан, эҳтиёжмандлардан кўмагини аямайди. “Берганга Худо беради” деган ҳикмат унинг ҳаётӣи шиори.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

Омилкорлик



Тўрт фаслда ҳам қийғос гуллайди

Фарғона шаҳридаги маҳаллаларда аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, бу борада истиқболли ва интенсив лойиҳаларни амалга ошириш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда.



Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Бунинг самарасида маҳаллалар гулчилик, цитрус мевалар, кўзқорин, турли қўқат ва сабзавотлар етиштиришга ихтисослаштирилиб, оилалар кўшимча даромад манбаига эга бўляпти. Иссиқхоналарда эса йилнинг тўрт фаслида ҳам маҳсулот етиштириш имконияти яратилди.

Масалан, “Хўжамағиз” МФЙ сабзавотчилик, чорвачилик, қўқат ва зираворлар етиштиришда илғор ҳудуд ҳисобланади. Кейинги йилларда ушбу маҳалладаги хонадонларда бир ва кўп йиллик гулларни парваришлаш тобора оммалашиб бораётир.

— Иссиқхонада гул етиштиришнинг ҳам ўз завки бор, — дейди “Хўжамағиз” МФЙнинг Улуғвор кўчасидаги хонадонда истиқомат қилувчи Улуғбек Тоштемиров. — Оиламиз билан 25 сотихлик иссиқхонада 20 турдан ортиқ гуллар парвариши билан шуғулланамиз. Бу гулларнинг аксарияти хориждан келтирилган бўлиб, йилнинг тўрт фаслида ҳам очилади. Шу боис уларнинг харидори кўп, бу фаолият ортидан оиламиз даромади ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда. Гуллар вилоятларга, қўшни республикаларга етказиб берилмоқда.



Қадимий экокўйлар асраб қолинадими?

Бухоро вилоти маданий мерос бошқармаси маълумотига кўра, ҳудудда айни дамда давлат рўйхатиға олинган 110 та қадимий уй бор. Уларнинг деярли барчаси Бухоро шаҳрида жойлашган. Шулардан бири — Баҳоуддин Нақшбанд кўчасидаги 52-уй.



Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Бухоро давлат музей-қўриқхонасида узок йиллар фаолият кўрсатган, зукко ва фидойи тарихчи олим Б. Қозоқов шу ҳовлида яшаган. Меҳмонхона, даҳлиз ва яна бир хонадан иборат нақшнинг бинодаги битикларга синчковлик билан қараркан, ҳамроҳимиз — музей-қўриқхона илмӣи ходими Ахтам Аҳмедов эътиборимизни унинг 1911 йилда қурилгани ҳақидаги ёзувга қаратди. Ҳовлидаги яна бир уй эса ундан ҳам қадимийроқ.

— Бу ҳовли бизга бобомиздан мерос, — дейди домланинг қизи Майрам Қозоқова. — У киши ўз даврининг обрўли кишиларидан бўлган.

Ёғочдан бунёд қилинган, супаси обиғиштли, қурилишда тамоман табиӣи маҳсулотлар ишлатилган, бетакрор нақшлар билан безатилган бу гўшага “экоуӣи” дея таъриф бериш мумкин. Кафтек ҳовлида хатто бундан 150 йил муқаддам ёмғиру қор ва оқова сувларнинг ён-атрофга зиёни тегмай ташнавор орқали чиқиб кетиши, бугунги ибора билан айтганда, канализация тизими ҳам йўлга қўйилган.

— Ота-боболаримиз жуда зукко бўлишган, — дейди бухорилик таниқли ганчкор уста Алишер Фойибов. — Ўзига тўқ, бой-бадавлат кишилар даб-дабабозликка берилмай унинг ташки қисмини оддий кўринишда барпо

этишган. Яъни моддий имконияти чекланган кўни-кўшни, маҳалладошларининг кўнгли чўкишини исташмаган. Бошқача айтганда, элдан қишмаган, буни ҳаётӣи қоидага айлантиришган. Иморатнинг ички қисми қурилишиға эса қўлигул усталарни жалб этиб, бино қиёфасини санъат асари даражасига келтиришган. Юқорида айтилган қадимий уй, ҳақиқатан ҳам, бетакрор санъат дурдонаси. Айрим нақшлари устиға тилла суви юритилган. Айтиш мумкинки, бу уйда Бухоро ганчкорлик мактабининг ноёб намуналари акс этади.

Устанинг бунга алоҳида ургу бериши бежиз эмас. Бухоронинг қадимий экоуӣилариде иморатсозликнинг асрдан-асрга ўтиб келган анъаналарини кўриш мумкин. Шаҳарнинг умумжаҳон мероси сифатида ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган қисмидаги бу уйлар йилнинг тўрт фаслиға мослаб қурилган. Улардаги ганчкорлик намуналари эса Алишер Фойибов сингари нозиктаъб усталар учун асрий анъаналарни сақлаш, уларни бойитиш йўлида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб келяпти.

Сирасини айтганда, халқимизнинг ардоқли фарзанди Уста Ширин Муродов ҳам шу мактабдан ўрганиб, умрбоқий меъморий обидалар

“Афеуски, қадимий уйларни асл ҳолича сақлаш, асраб-авайлаш, уларни келажак авлодға етказиш ечимталаб масалаға айланиб боряпти. Мана, бир мисол. Биз юқорида таърифини келтирган қадимий уй пойдеворининг бир томони ташқи таъсир оқибатида чўкиб қолган. Шу туфайли уй эшигига кулф тушди.

яратган, қадимий ёдгорликларни таъмирлаш.

— Дарҳақиқат, бу кўҳна экокўйларда бутун бошли Бухоро ганчкорлик мактаби анъаналари мужассам, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмӣи ходими, тарих фанлари доктори Комилжон Раҳимов. — Уларда, хусусан, меҳмонхона вазифасини ўтайдиган хоналарда араб ёзувидаги ноёб битиклар кўп. Бу ерда меҳмонларни хушнуд этадиган, уларнинг кайфиятиға кайфият кўшадиган сўзлар, шеърларни ўқиб, ўзингизни шеърят бўстониға кириб қолгандай ҳис этасиз. Бу битиклар атрофлича ўрганилиб, фотоальбом тайёрланса, мақсадаға мувофиқ бўларди. Токи, келгуси авлод ҳам бу меросдан баҳра олсин.

Олимнинг бу тақдирини ўртаға ташлаши бежиз эмас. Афсуски, қадимий уйларни асл ҳолича сақлаш, асраб-

авайлаш, уларни келажак авлодға етказиш ечимталаб масалаға айланиб боряпти. Мана, бир мисол. Биз юқорида таърифини келтирган қадимий уй пойдеворининг бир томони ташқи таъсир оқибатида чўкиб қолган. Шу туфайли уй эшигига кулф тушди.

— Ҳозир бошқа манзилда яшаямиз, — дейди Майрам Қозоқова. — Қарамонимда хаста онам бор. Уйни таъмирлашға қўрбимиз етмайди. Шу боис катта-кичик ташкилотларға таъмир масаласида кўмак сўраб мурожаат қилдим. Аммо фойдаси бўлмади. “Банкдан кредит олиб, уйни таъмирлашингиз мумкин” деган мазмунда жавоб олдик.

Хуллас, ўқитувчилик ортидан умр-

да қанчадан-қанча қадимий уйлардан айрилиб қолгани бор гап. 1920 йилги шўролар босқини пайтида вайрон қилинган обидаларни-ку айтмай кўя қолайлик.

Табиӣи, бу масалада вилоят маданий мерос бошқармаси масъулла-рининг фикри билан ҳам қизиқдик. Улар билан суҳбатдан аён бўлдики, қадимий уйларнинг барчасини бир текис назорат қилишнинг имкони йўқ. Хусусий мулк эгаларидан ҳам уйларни асраш, таъмирлаш, уларда замонавий шарт-шароитларни яратиш каби масалаларда кўллаб мурожаатлар тушяпти. Бошқарма ўз ваколатидан келиб чиқиб, эски шаҳардаги уй эгаларига маслаҳат, тавсиялар бермоқда. Хусусий мулк соҳиби сифатидаги бурчини эслатмоқда. Жумладан, Бухоро тарихий маркази аҳолиси ва тураржой эгалари учун кўҳна уйларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва замонавий фойдаланиш учун мослаштириш бўйича қўлланма чоп этилган.

Ҳаёт эса мавжуд тарихий уйларни давлат томонидан муҳофаза қилишға оид қонунчиликни такомиллаштириш, соддалаштиришни тақозо этияпти. Токи, ҳаммаси беш қўлдек аён бўлсин. Хусусий мулк саналган, аммо тарихий қийматға эга уйларни асраб-авайлаш, уларни таъмирлаш, тиклаш, консервация қилиш каби юмушларға давлат томонидан маблағ ажратилиши масаласиға ҳам ойдинлик киритиш зарур.

Баҳоуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган 52-уйға келсак, балки уни маҳаллий ҳокимлик харид қилиб, кейинчалик чоғроқ бир музейға айлантирар. Ишончимиз комил, чет эллик меҳмонларни анъанавий Бухоро уйлари, ундаги орасиатиклар, турмуш тарзи асло бефарқ қолдирмайди. Биз суҳбатлашган гид-таржимонлар ҳам шу фикрни билдиришди. Қолаверса, мутахассислар эътироф этганидек, бу нодир иморатни келгуси авлодға етказишнинг энг мақбул йўлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Тараддуд

МАХСУС АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХАРИД ҚИЛИНДИ

Куз-қиш мавсумини беталфот ўтказиш мақсадида тегишли вазирлик ҳамда ташкилотлар томонидан зарур чоралар кўрилмақда.



Хусусан, “Худудгазтаъминот” АЖ томонидан авария бригадалари, махсус транспорт воситалари ва зарурий материаллар захиралари шай ҳолатға келтирилди.

Худудий филиалларда хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида 23 донa “Газел” юк автотранспорт воситаси харид қилинди. Мазкур транспорт воситалари “Худудгаз Пойтахт” ҳамда “Худудгаз Қорақалпоғистон” газ таъминоти филиаллариға тақсимлаб берилди.

Анжуман

«ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМДАН — ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТГА»

Ўқувчиларни касб-хунарға йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази томонидан “Инклюзив таълимдан — инклюзив жамиятға” мавзӯида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.



Анжуман доирасида мактабча ва мактаб таълими тизимидаги инклюзив таълим иштирокчилари, жумладан, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, масъул мутахассислар малакасини ошириш, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларға таълим-тарбия бериш тизимини хорижий ҳамда маҳаллий илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Лойиҳа

НАВБАТДАГИ МАВСУМ ФОЛИБИГА ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ БЕРИЛАДИ

Мамлакатимизда “Бир миллион ўзбек дастурчиси” лойиҳасининг навбатдаги мавсумиға старт берилди.

BIR MILLION O'ZBEK DASTURCHILAR FORUMI 2024

Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги хабарига кўра, ушбу лойиҳа доирасида юқори натижа кўрсатган энг яхши 2 та мактабга Президент совғаси сифатида электромобиллар берилиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида 14 та ҳудудда энг юқори натижа кўрсатган ўқувчиларға 700 та ноутбук, “ТОП — 10”-талиққа кирувчи педагогларға чет элга саёхат, лойиҳа доирасида энг юқори натижа кўрсатган 100 та ўқитувчиға 10 миллион сўмдан пул муқофоти ва “ТОП — 3”-талиққа кирувчи олий таълим муассасалариға пул муқофотлари берилади.

«Халқ сўзи».

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси Бош муҳаррирининг иқтисод ва маркетинг бўйича ўринбосари Ақром Ҳошимовға уқаси **ТОЛИБЖОН ҲОШИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расман ўз ишини бошлади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1242. 10 908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларини юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

4720330478004

Таҳририятта келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди.

Газетанинг таъкид берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.05 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6